


III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ

2024 йил 1 октябрь ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжалиklarидан ташқари) сони – 35 654 бирликни, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 32 454 бирликни, ўрмон хўжалигида – 237 бирликни ҳамда балиқчилик хўжалигида – 2 963 бирликни ташкил этди.

2024 йил январь-сентябрь ойида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжалиklarидан ташқари) сони – 7 878 бирликни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжалиklarидан ташқари, бирликда)

Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



01 Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар

02 Ўрмон хўжалиги

03 Балиқчилик хўжалиги

Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп корхона ва ташкилотлар Қашқадарё вилоятида – 4 674 бирликни ёки республика бўйича мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,1 % ини ташкил этган бўлса, аксинча энг кам корхона ва ташкилотлар Тошкент шаҳрида – 620 бирлик (1,7 %) қайд этилди.

Қорақалпоғистон Респ.	2 809
Андижон	1 534
Бухоро	3 332
Жиззах	3 300
Қашқадарё	4 674
Навоий	2 298
Наманган	1 793
Самарқанд	2 484
Сурхондарё	2 501
Сирдарё	1 978
Тошкент	3 873
Фарғона	1 439
Хоразм	3 019
Тошкент ш.	620

1- БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)ЛАРИ ҲАЖМИ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши – соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакультура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати асосида шакллантирилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 323 878,0 млрд сўми, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 315 599,5 млрд сўми, ўрмон хўжалиги – 6 229,5 млрд сўми, балиқчилик хўжалиги – 2 049,0 млрд сўми ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми (млрд сўм)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 % ни (2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари мос равишда 2022 йилнинг январь-сентябрь ойига нисбатан – 104,1 %), шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 103,1 % (104,1 %)ни, ўрмон хўжалиги – 102,9 % (102,6 %)ни, балиқчилик хўжалиги – 101,3 % (106,4 %)ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати (% да)



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Овчилик хўжалиги — овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш, шунингдек, парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш харажатлари ҳисобга олинади.

Ўрмон хўжалиги – фаолият тури ўрмон ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш, хусусан ўрмончилик, ўрмонзорларни барпо этиш ва ёғочни қайта ишлаш тармоқлари учун бинокорлик думалоқ ёғочларини етиштириш, шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон маҳсулотларини йиғиш билан боғлиқ бўлган соҳа.

Балиқчилик хўжалиги – балиқ овлаш ва сув биоресурсларини, аквакултурани сақлаш, сув биоресурсларидан олинadиган балиқ ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва сотиш бўйича фаолият тури.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг тақсимланиши (% да)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари яқунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг 97,5 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар (2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида 97,4 %), 1,9 % и – ўрмон хўжалиги (1,9 %) ва 0,6 % и – балиқчилик хўжалиги (0,7 %) ҳиссасига тўғри келди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (41 824,9 млрд сўм), Андижон (31 888,1 млрд сўм), Қашқадарё (31 190,8 млрд сўм), Тошкент (31 081,6 млрд сўм), Фарғона (30 373,9 млрд сўм) ва Бухоро (28 908,1 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси (10 305,5 млрд сўм), Сирдарё (10 722,0 млрд сўм) ва Навоий вилоятларини (15 064,9 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми (млрд сўм, ўсиш % да)




Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати таҳлил қилинганда, юқори ўсиш суръатлари Қашқадарё (104,2 %), Хоразм (104,1 %), Фарғона (104,0 %), Сурхондарё (103,8 %), Самарқанд (103,7 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (103,4 %) қайд этилди.

Бошқа ҳудудларга нисбатан Сирдарё (100,1 %), Жиззах (101,2 %), Бухоро (101,7 %) ва Андижон (102,7 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Худудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръати (% да)



Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий
ҳажмининг худудлар кесимида тақсимланиши (% да)



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 12,9 % ни ташкил этди ва худудлар бўйича етакчилик қилмоқда. Андижон ва Қашқадарё вилоятлари мос равишда 9,8 % ва 9,6 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (3,2 %), Сирдарё (3,3 %) ва Навоий (4,7 %) вилоятларида қайд этилди.

Январь-сентябрь ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 312 748,1 млрд сўмни ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 149 641,3 млрд сўмни (101,2 %), чорвачилик маҳсулотлари – 163 106,8 млрд сўмни (104,8 %) ташкил қилди.

Худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (трлн сўм, ўсиш % да)




Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (% да)



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 67,1 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 27,5 % и фермер хўжаликларига, 5,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.





2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунига кўра, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжалиklarининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида (39,4%), деҳқон ва томорқа хўжалиklarининг энг юқори улуши Навоий вилоятида (75,0%), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (14,1%) қайд этилди.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжалиklar тонфалари кесимида тақсимланиши (% да)




Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Тошкент вилоятида (14,5%), дехқон ва томорқа хўжалиklarининг энг кам улуши Самарқанд вилоятида (58,1%), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Самарқанд вилоятида (2,5%) кузатилди.

Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда дехқон ва томорқа хўжалиklarининг улуши қуйидагича:

✓ Сут	92,7 %	
✓ Гўшт (тирик вазнда)	86,9 %	
✓ Картошка	76,5 %	
✓ Сабзавотлар	68,4 %	

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда дехқон ва томорқа хўжалиklarига тўғри келиши кузатилди.

Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда хўжалик тоифаларининг улуши (% да)



2- БЎЛИМ. ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

Худудлар кесимида деҳқончилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (21 617,1 млрд сўм), Андижон (18 533,3 млрд сўм), Фарғона (17 467,8 млрд сўм), Сурхондарё (14 074,7 млрд сўм) ва Бухоро (13 341,5 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Қорақалпоғистон Республикаси (3 768,6 млрд сўм), Навоий (4 649,9 млрд сўм) ва Сирдарё (5 121,9 млрд сўм) вилоятларини келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Қашқадарё (105,3 %), Хоразм (105,1 %), Сурхондарё (103,2 %), Самарқанд (103,0 %) ва Фарғона (103,0 %) вилоятларида қайд этилди. Сирдарё (93,0 %), Жиззах (93,4 %), Бухоро (98,3 %), Тошкент (100,0 %) ва Навоий (100,3 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Деҳқончилик маҳсулотларининг худудлар бўйича тақсимланиши (млрд сўм)



Деҳқончилик маҳсулотлари

– жорий йил ҳосилидан олинган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг мевалар ва резаворлар, узум, озуқа экинлари, уруғлик ва ўтқазиладиган кўчат материаллари, шунингдек, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади.



47,8 %

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 47,8 % ни ташкил қилди.

Республикадаги деҳқончилик маҳсулотлари таркибини худудлар кесимида таҳлил қилар эканмиз, энг катта улуш Самарқанд (14,5 %), Андижон (12,4 %), Фарғона (11,7 %), Сурхондарё (9,4 %) ва Бухоро (8,9 %) вилоятларига тўғри келганлигини кузатишимиз мумкин.

Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (2,5 %), Навоий (3,1 %), Сирдарё (3,4 %) вилоятларида қайд этилди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 506,9 минг тонна донли экинлар (2023 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 7,7 % га кўп), 2 793,5 минг тонна картошка (4,3 % га кўп), 8 604,2 минг тонна сабзавотлар (5,8 % га кўп), 1 713,6 минг тонна полиз (6,7 % га кўп), 2 427,4 минг тонна мева ва резаворлар (6,5 % га кўп), 1 356,1 минг тонна узум (6,8 % га кўп), 1 250,2 минг тонна пахта (хом ашёси) (44,8 % га кам) етиштирилди.


2024 йил январь-сентябрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон ва томорқа хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да
Донли экинлар	7 506,9	107,7	5 956,1	106,5	628,7	107,5	922,1	116,3
Картошка	2 793,5	104,3	605,8	111,2	2 137,7	102,3	50,0	111,0
Сабзавотлар	8 604,2	105,8	2 408,6	108,0	5 882,8	103,9	312,8	128,5
Полиз экинлари	1 713,6	106,7	747,8	110,1	883,4	102,6	82,4	123,0
Мева ва резаворлар	2 427,4	106,5	1 060,4	110,3	1 301,5	102,0	65,5	153,0
Узум	1 356,1	106,8	671,8	111,8	654,4	101,3	29,9	127,7

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

2024 йил январь-сентябрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, донли экинлар етиштиришнинг 79,3 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 8,4 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 12,3 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

2024 йил январь-сентябрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларида хўжалик тоифаларининг улуши (% да)



Шунга мос равишда картошканинг 21,7 % и фермер хўжаликларига, 76,5 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, сабзавотларнинг 28,0 % и фермер хўжаликларига, 68,4 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 3,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, полиз экинларининг 43,6 % и фермер хўжаликларига, 51,6 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 4,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, мева ва резаворларнинг 43,7 % и фермер хўжаликларига, 53,6 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 2,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, узумнинг 49,5 % и фермер хўжаликларига, 48,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 2,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Республикада етиштирилган донли экинлар (минг тонна)



2024 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган донли экинлар 7 506,9 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 107,7 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 6,5 %, дехқон ва томорқа хўжаликларида 7,5 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 16,3 % ўсиш қайд этилди.

Худудлар кесимида етиштирилган донли экинлар ҳажми (минг тонна)



Дон экинларини етиштириш бўйича худудлар ўртасида пешқадамликни Фарғона вилояти эгаллади. Унинг, дон экинлари умумий ҳажмидаги улуши 11,5 % ни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда, юқори улуш Қашқадарё (10,9 %), Самарқанд (10,0 %), Сурхондарё (9,8 %) ва Андижон (8,4 %) вилоятларида қайд этилди.

Умумий ҳажмдаги паст улуш, Қорақалпоғистон Республикасида (2,9 %) ва Навоий вилоятида (3,2 %) кузатилди.

Юқори ўсиш суръатлари Хоразм вилояти (123,1 %), Қорақалпоғистон Республикаси (116,0 %), Самарқанд (111,0 %), Наманган (110,4 %), Фарғона (110,3 %) ва Сирдарё (109,2 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган картошка (минг тонна)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган картошка 2 793,5 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 104,3 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 11,2 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 2,3 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 11,0 % ўсиш қайд этилди.

Худудлар кесимида етиштирилган картошка ҳажми (минг тонна)



Картошка етиштириш умумий ҳажмининг энг юқори улуши Самарқанд вилояти (20,6 %) ҳиссасига тўғри келди. Бундан ташқари, Сурхондарё (11,1 %), Тошкент (11,0 %) ва Андижон (9,8 %) вилоятларида ҳам картошка етиштиришнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилди.

Картошка етиштиришнинг умумий ҳажмидаги улушининг энг паст кўрсаткичлари Сирдарё (2,1 %), Жиззах (2,2 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (2,2 %) тўғри келди.

Жорий даврда юқори ўсиш суръатлари Жиззах (111,3 %), Андижон (110,3 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (108,1 %), Сирдарё (105,7 %), Самарқанд (104,7 %) ва Наманган (104,3 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган сабзавотлар (минг тонна)



2024 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган сабзавотлар 8 604,2 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 105,8 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 8,0 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,9 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 28,5 % ўсиш қайд этилди.

Худудлар кесимида етиштирилган сабзавотлар ҳажми (минг тонна)



Етиштирилган сабзавот умумий ҳажмининг энг юқори улуши Андижон вилояти (16,0 %) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, юқори улуш Самарқанд (14,6 %), Фарғона (10,9 %), Сурхондарё (10,8 %), Тошкент (10,1 %) ва Бухоро (8,3 %) вилоятларида қайд этилди.

Паст кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси (2,5 %), Навоий (2,7 %) ва Сирдарё (2,7 %) вилоятларида кузатилди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Фарғона вилояти (112,4 %), Қорақалпоғистон Республикаси (106,9 %), Сирдарё (106,6 %), Навоий (106,3 %), Андижон (106,3 %), Қашқадарё (106,2 %), Наманган (105,9 %) ва Тошкент (105,8 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган полиз экинлари (минг тонна)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган полиз экинлари 1 713,6 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 106,7 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 10,1 %, деhqон ва томорқа хўжаликларида 2,6 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 23,0 % ўсиш қайд этилди.

Худудлар бўйича етиштирилган полиз экинлари ҳажми (минг тонна)



Полиз экинлари етиштириш умумий ҳажмининг энг катта улуши Сурхондарё вилояти (13,3 %) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бир қаторда, Сирдарё (12,3 %), Жиззах (12,1 %) ва Қашқадарё (12,0 %) вилоятларида юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Шунингдек, полиз экинлари умумий ҳажмида энг кам улуш Тошкент (2,9 %) ва Навоий (3,8 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Жорий даврда юқори ўсиш суръатлари Фарғона (112,8 %), Қашқадарё (111,3 %), Андижон (110,0 %), Сирдарё (109,5 %), Самарқанд (109,0 %), Тошкент (108,5 %) ва Наманган (107,0 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган мева ва резаворлар (минг тонна)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган мева ва резаворлар 2 427,4 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 106,5 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 10,3 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 2,0 %, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 53,0 % ўсиш қайд этилди.

Худудлар бўйича етиштирилган мева ва резаворлар ҳажми (минг тонна)



Етиштирилган мева ва резаворлар умумий ҳажмида худудлар бўйича энг катта улуш Андижон (20,6 %), Фарғона (14,1 %), Самарқанд (13,1 %), Бухоро (10,4 %) ва Наманган (9,7 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, мева ва резаворлар умумий ҳажмида энг кам улуш, Сирдарё вилоятида (1,5 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (1,9 %) кузатилди.

Кўрсатиб ўтилган даврларда юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикасида (116,1 %) Фарғона (108,9 %), Сирдарё (108,4 %), Бухоро (107,7 %), Наманган (107,6 %) ва Самарқанд (107,1 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган узум (минг тонна)



2024 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган узум 1 356,1 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 106,8 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 11,8 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,3 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 27,7 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича етиштирилган узум ҳажми (минг тонна)



Етиштирилган узум умумий ҳажмининг катта қисми Самарқанд вилояти (39,4 %) ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, юқори улуш Бухоро (13,4 %), Фарғона (8,9 %) ва Наманган (6,8 %) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, узум етиштириш умумий ҳажмидаги энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикасида (0,5 %) ва Сирдарё вилоятида (0,9 %) кузатилди.

2023 йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё вилояти (111,1 %), Қорақалпоғистон Республикасида (110,0 %), Қашқадарё (110,0 %), Андижон (108,5 %), Самарқанд (108,1 %), Тошкент (106,9 %) ва Сирдарё (106,8 %) вилоятларида қайд этилди.

3- БЎЛИМ. ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ


Худудлар кесимида чорвачилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (18 995,6 млрд сўм), Қашқадарё (18 302,7 млрд сўм), Тошкент (16 765,8 млрд сўм), Бухоро (15 126,6 млрд сўм) ва Жиззах (12 693,0 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Сирдарё вилояти (4 929,0 млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (5 937,6 млрд сўм) ва Навоий вилоятини (9 854,9 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (108,2%), Жиззах (106,0%), Наманган (105,5%), Тошкент (105,4%), Навоий (105,3%) ва Фарғона (105,1%) вилоятларида қайд этилди. Хоразм (103,3%) Қашқадарё (103,5%) ва Самарқанд (104,2%) вилоятида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Чорвачилик маҳсулотларининг худудлар бўйича тақсимланиши (млрд сўм)



Республика чорвачилик маҳсулотлари таркибида худудларнинг энг катта улуши Самарқанд (11,7%), Қашқадарё (11,2%), Тошкент (10,3%), Бухоро (9,3%), Жиззах (7,8%) ва Сурхондарё (7,6%) вилоятларига тўғри келди. Энг кам улуш Сирдарё вилояти (3,0%), Қорақалпоғистон Республикаси (3,6%) ва Навоий вилоятида (6,0%) қайд этилди.



Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 52,2% ни ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари – қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари, асаларилари ва ипак қуртини ўстириш ва урчитиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси.

Чорвачилик ва балиқ маҳсулотлари етиштириш

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чорвадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 2 142,0 минг тонна гўшт, 8 961,1 минг тонна сут, 6 331,5 млн дона тухум, 32,5 минг тонна қирқиб олинган жун, 1 125,3 минг дона қорақўл тери етиштирилди ва 90,1 минг тонна балиқ овланди.

Ҳисобот даврида тирик вазнда етиштирилган гўшт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 % ни, соғиб олинган сут – 104,5 % ни, олинган тухум – 104,6 % ни, қирқиб олинган жун – 102,5 % ни, олинган қорақўл тери – 103,2 % ни ҳамда овланган балиқлар – 101,0 % ни ташкил қилди.

2024 йил январь-сентябрь ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ва овланган балиқлар

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон ва томорқа хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да
Гўшт (тирик вазнда)	2 142,0	104,9	126,5	107,3	1 860,6	104,6	154,9	106,1
Сут	8 961,1	104,5	534,4	105,0	8 304,4	104,2	122,3	121,0
Тухум, млн дона	6 331,5	104,6	998,7	102,3	3 588,1	101,2	1744,7	113,7
Жун	32,5	102,5	4,0	107,3	26,6	100,6	1,9	123,5
Қорақўл тери, минг дона	1 125,3	103,2	123,4	110,4	889,1	101,9	112,8	106,1
Балиқ	90,1	101,0	46,8	106,9	5,4	105,3	37,9	94,1

2024 йил январь-сентябрь ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, етиштирилган гўштни умумий ҳажмидан 5,9 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 86,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 7,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

Шунга мос равишда соғиб олинган сутнинг 6,0 % и фермер хўжаликлари, 92,7 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 1,3 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, олинган тухумнинг 15,8 % и фермер хўжаликларига, 56,7 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 27,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Шунингдек, қирқиб олинган жуннинг 12,2 % и фермер хўжаликлари, 81,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 5,9 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Бундан ташқари, олинган қоракўл терининг 11,0 % и фермер хўжаликларига, 79,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 10,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Ўз навбатида, овланган балиқларнинг 52,0 % и фермер хўжаликларига, 6,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 42,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келганлигини қайд этиш лозим.


2024 йил январь-сентябрь ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларида хўжалик тоифаларининг улуши (% да)



Деҳқон хўжалиги – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Республикада етиштирилган гўшт (тирик вазнда)

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Республикада 2 142,0 минг тонна гўшт етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 % ни ташкил қилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан тирик вазнда 126,5 минг тонна, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1 860,6 минг тонна, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан 154,9 минг тонна гўшт етиштирилган.


Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, гўшт етиштиришда 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 7,3 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 4,6 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 6,1 % ўсиш қайд этилди.

Худудлар кесимида гўшт (тирик вазнда) етиштириш

	Ҳажми минг тонна	Ўсиш суръати, % да	Худудлар улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	2 142,0	104,9	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	85,9	105,3	4,0
Андижон	140,7	106,2	6,6
Бухоро	219,3	105,0	10,2
Жиззах	175,9	106,6	8,2
Қашқадарё	241,7	103,2	11,3
Навоий	148,6	105,0	6,9
Наманган	147,5	105,3	6,9
Самарқанд	240,6	103,9	11,2
Сурхондарё	155,4	104,4	7,3
Сирдарё	59,6	108,9	2,8
Тошкент	234,1	104,8	10,9
Фарғона	145,7	104,4	6,8
Хоразм	147,0	104,0	6,9

Республикада етиштирилган сут

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Республикада 8 961,1 минг тонна сут етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 104,5 % ни ташкил қилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан 534,4 минг тонна, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 8 304,4 минг тонна, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан 122,3 минг тонна сут етиштирилган.


Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сут етиштиришда 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 5,0 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 4,2 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 21,0 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида сут етиштириш

	Ҳажми минг тонна	Ўсиш суръати, % да	Ҳудудлар улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	8 961,1	104,5	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	269,3	105,3	3,0
Андижон	704,4	102,8	7,9
Бухоро	796,3	104,4	8,9
Жиззах	499,8	104,9	5,6
Қашқадарё	974,7	104,4	10,9
Навоий	404,8	105,4	4,5
Наманган	641,4	105,0	7,2
Самарқанд	1 089,1	103,9	12,1
Сурхондарё	650,3	105,1	7,3
Сирдарё	299,9	105,7	3,3
Тошкент	837,5	105,4	9,3
Фарғона	849,3	105,5	9,5
Хоразм	944,3	102,7	10,5

Республикада етиштирилган тухум

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Республикада 6 331,5 млн дона тухум етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 104,6 % ни ташкил қилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан 998,7 млн дона, деҳқон ва томорқа хўжаликларда 3 588,1 млн дона, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан 1 744,7 млн дона тухум етиштирилган.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тухум етиштиришда 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 2,3 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,2 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 13,7 % ўсиш қайд этилди.

Худудлар кесимида тухум етиштириш

	Ҳажми млн дона	Ўсиш суръати, % да	Худудлар улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	6 331,5	104,6	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	270,9	105,2	4,3
Андижон	466,8	104,0	7,4
Бухоро	420,9	103,6	6,6
Жиззах	276,9	88,9	4,4
Қашқадарё	419,2	100,5	6,6
Навоий	359,3	113,1	5,7
Наманган	513,4	102,8	8,1
Самарқанд	1 082,1	105,1	17,1
Сурхондарё	430,8	101,3	6,8
Сирдарё	156,1	110,7	2,5
Тошкент	1 026,8	108,8	16,2
Фарғона	519,7	109,4	8,2
Хоразм	388,6	101,6	6,1

Республикада овланган балиқлар

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Республикада 90 112 тонна балиқ овланган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 101,0 % ни ташкил қилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан 46 840 тонна, дехқон ва томорқа хўжаликларида 5 405 тонна, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан 37 867 тонна балиқ овланган.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, овланган балиқлар бўйича 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 6,9 % ва дехқон ва томорқа хўжаликларида 5,3 % ўсиш қайд этилди.

Худудлар кесимида овланган балиқлар

	Ҳажми, тонна	Ўсиш суръати, % да	Худудлар улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	90 112	101,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	6 207	106,7	6,9
Андижон	9 398	104,9	10,4
Бухоро	3 795	95,9	4,2
Жиззах	9 250	100,8	10,3
Қашқадарё	1 918	57,5	2,1
Навоий	4 950	57,4	5,5
Наманган	4 785	102,4	5,3
Самарқанд	7 044	117,9	7,8
Сурхондарё	3 562	107,1	4,0
Сирдарё	5 621	111,1	6,2
Тошкент	11 394	113,0	12,7
Фарғона	7 484	121,7	8,3
Хоразм	14 704	104,6	16,3

4- БЎЛИМ. ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАР БОШ СОНИ

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 14 126,9 минг бошга етди, (2023 йилнинг 1 октябрь ҳолатига нисбатан 2,0 % га кўп), сигирлар 5 031,0 минг бошга (1,8 % га кўп), қўй ва эчкилар 24 412,6 минг бошга (2,4 % га кўп), паррандалар 101 901,8 минг бошга (4,9 % га кўп) етди.

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон ва томорқа хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати % да	минг бош	ўсиш суръати % да	минг бош	ўсиш суръати % да	минг бош	ўсиш суръати % да
Йирик шохли қорамоллар	14 126,9	102,0	1 008,3	104,7	12 846,8	101,6	271,8	114,2
шундан, сигирлар	5 031,0	101,8	395,5	107,9	4 543,1	101,1	92,4	114,2
Қўй ва эчкилар	24 412,6	102,4	3 733,2	104,6	18 923,0	101,0	1 756,4	113,1

Паррандалар 101 901,8 104,9 16 847,5 103,9 51 327,4 101,2 33 726,9 111,7

Томорқа хўжалиги – шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 7,1 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 91,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,9 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда сигирларнинг умумий сонидан 7,9 % и фермер хўжаликларига, 90,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 15,3 % и фермер хўжаликларига, 77,5 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 7,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, паррандалар умумий сонидан 16,5 % и фермер хўжаликларига, 50,4 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 33,1 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.


2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига мавжуд чорва моллари ва паррандалар бош сонининг хўжаликлар тоифалари бўйича улуши (% да)




Республикада мавжуд йирик шохли қорамоллар бош сони

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, Республикада йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 14 126,9 минг бошга етди.

2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар умумий бош сони – 275,7 минг бошга (2,0 %) кўпайди.




Ўсиш суръати (% да)



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамоллар умумий бош сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 4,7 %, дехқон ва томорқа хўжаликларида 1,6 % ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 14,2 % ўсиши қайд этилди.




Худудлар кесимда йирик шохли қорамоллар бош сони




Республикада мавжуд сигирлар бош сони

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, Республикада сигирларнинг умумий бош сони 5 031,0 минг бошга етди.

2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар умумий бош сони – 88,4 минг бошга (1,8 %) кўпайди.



Ўсиш суръати (% да)



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сигирлар умумий бош сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 7,9 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,1 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 14,2 % ўсиши кузатилди.

- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон ва томорқа хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар


Худудлар кесимида сигирлар бош сони

Сони (минг бош)	Республиканинг умумий бош сонига нисбатан улуши (% да)
363,4	Қорақалпоғистон Республикаси 7,2
400,8	Андижон 8,0
447,0	Бухоро 8,9
279,1	Жиззах 5,5
578,1	Қашқадарё 11,5
215,0	Навоий 4,3
259,7	Наманган 5,2
738,0	Самарқанд 14,7
370,1	Сурхондарё 7,4
181,8	Сирдарё 3,6
424,5	Тошкент 8,4
404,4	Фарғона 8,0
369,1	Хоразм 7,3


Республикада мавжуд қўй ва эчкилар бош сони

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қўра, Республикада қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 24 412,6 минг бошга етди.

2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда қўй ва эчкилар умумий бош сони – 561,9 минг бошга (2,4 %) кўпайди.



Ўсиш суръати (% да)



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, қўй ва эчкилар умумий бош сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 4,6 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,0 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 13,1 % ўсиши қайд этилди.

 Фермер хўжаликлари

 Дехқон ва томорқа хўжаликлари

 Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар


Худудлар кесимида қўй ва эчкилар бош сони




Республикада мавжуд паррандалар бош сони

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, Республикада паррандаларнинг умумий бош сони 101 901,8 минг бошга етди.

2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар умумий бош сони – 4 735,0 минг бошга (4,9 %) кўпайди.




Ўсиш суръати (% да)



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, паррандалар умумий бош сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 3,9 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,2 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 11,7 % ўсиши қайд этилди.

- Фермер хўжаликлари
- Дехқон ва томорқа хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Худудлар кесимида паррандалар бош сони



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларини, ипак куртини, балиқларни сақлаш ва кўпайтириш, ёғоч, ёғоч бўлмаган ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон хўжалиги маҳсулотларини олиш, сув организмларини овлашни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги – деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган соҳа.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Деҳқончилик – қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш ва етиштириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бир икки ва кўп йиллик экинларни, шунингдек, уруғлик ва кўчат материалларини ўстириш ва етиштиришни ўз ичига олади.

Чорвачилик – қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари, асаларилари ва ипак куртини ўстириш ва урчитиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси.

Овчилик – овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш, шунингдек, парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш харажатлари ҳисобга олинади.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши – деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек, ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар қийматларининг умумий йиғиндисини ўзида ифодалайди

Етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларининг қиймати – жорий йил ҳосилидан олинган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг дон, техник экинлар, картошка, сабзавотлар ва полиз экинлари, мевалар ва резаворлар, узум, озуқа экинлари, уруғлик ва ўтқазиладиган кўчат материаллари, шунингдек, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади;

Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларининг қиймати – қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларни, ипак куртини ўстириш натижасида олинган маҳсулотлар (гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл, асал, пилла, мўйна, шунингдек, чорвачиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари) қийматларини ўз ичига олади.

Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги хизматлар қиймати – ҳосилни йиғиб олиш, ерларни яхшилаш бўйича хизматлар, тупроқни кимёлаштириш,

ўғитларни тайёрлаш ва солиш бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлардан ва зараркундалардан ҳимоя қилиш бўйича хизматлар, агромелиоратив ишларни ўтказиш бўйича хизматлар, сув хўжалиги ташкилотларининг ирригацион ва мелиоратив тизимларни эксплуатация қилиш бўйича хизматлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларни, ипак куртини кўпайтириш бўйича кўшимча хизматлар, қишлоқ хўжалигига зоотехния хизмати кўрсатиш ва бошқалар қийматини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғилган ялпи ҳосили қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, фермер ва деҳқон ва томорқа хўжаликларига асосий ва такрорий, боғларнинг қатор ораларидаги қишлоқ хўжалиги экинларидан йиғиб олинган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади.

Моллар бош сони – хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳларидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сизирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)

Гўшт етиштириш – сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

Сут соғиб олиш – ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сизир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи соғиб олишга киритилмайди.

Тухум олиш – барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда курк товуклар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

Жун етиштириш – хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлангани ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жунни, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади.

Деҳқон хўжалиги – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Фермер хўжаликлари – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.